# «ҚАЙТА ИШЛАШ» БОЖХОНА РЕЖИМИ – КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ



**Мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва экспортни қўллаб-қувватлаш, қўшимча ишчи ўринларини яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, тадбиркорларга бир қанча қулайлик ва енгилликлар яратилмоқда.**

Мазкур қулайлик ва қонунчиликдаги янгиликларни кенг жамоатчиликка етказиш, тадбиркорларнинг бу борада ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни тизимли ҳал қилиш мақсадида Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг «Тошкент-товар» божхона постида «Қайта ишлаш» божхона режимидаги имкониятларни ТИФ иштирокчиларига тушунтиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Учрашувда ДБҚ Божхона назорати ва расмийлаштирувини ташкил этиш бош бошқармаси масъул ходимлари, пойтахт шаҳар божхона бошқармаси бошлиғи Т.Саидов ва бўлим бошлиқлари қатнашиб, тадбиркорлар билан очиқ суҳбат ўтказди.

Рақамларга мурожаат қилинса, 2022 йилнинг етти ойи давомида 112 та тадбиркорлик субъекти томонидан 281 млн АҚШ долларига тенг бўлган товарлар «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига расмийлаштирилиб, 260 млн АҚШ долларига тенг қайта ишланган тайёр маҳсулотлар реэкспортга йўналтирилгани маълум бўлади.

ТИФ иштирокчиларининг бу борада юқори кўрсаткичларга эришишида Президентнинг жорий йил 25 апрелдаги «Божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимини қўллашни соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-115-сон Фармони муҳим дастуриламал бўлди. Ҳужжат тадбиркорлик субъектларига жуда катта қулайлик ва ваколатлар берибгина қолмай, ташқи савдо географиясини кенгайтириш ва экспорт ҳажмини янада оширишга замин яратди.

Фармон билан қуйидаги янгиликлар жорий этилди:

- ● эндиликда товарларни қайта ишлаш операциялари рўйхати қадоқлаш, ўраш, саралаш, тозалаш, бошқа товарларга мослаштириш ва ускуналарни модернизация қилиш хизматлари билан тўлдирилди;
- ● товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштиришда уларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш ҳамда санитария-эпидемиологик хулосани тақдим этиш талаб этилмайди;
- ● махсус иқтисодий зона иштирокчилари ва ваколатли иқтисодий операторлари учун божхона тўловлари тўланишини таъминлаш тартиби қўлланилмайди;
- ● айнан бир хил турдаги товарларни қайта ишлаш бўйича, контрактлар сонидан қатъи назар, 2 йилдан кўп бўлмаган муддатга умумий рухсатнома берилади. Бунда ҳар бир қайта ишлаш операцияси (контракт) учун чиқиш нормаси тақдим этилади;
- ● товарларни қайта ишловчи ваколатли шахслар ҳар чоракда ДБҚнинг ахборот тизими орқали божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига риоя қилинганлиги тўғрисида ҳисоботларни Қўмитанинг расмий веб-сайтида эълон қилинган шаклда тақдим этадилар.

Алоҳида қайд этиш жоизки, Фармонда тадбиркорлар учун яратилган бу каби енгиллик ва қулайликлар аксарият мамлакатларда мавжуд эмас. Шундай экан, бу каби имкониятдан унумли фойдалана билиш зарурлиги учрашувда таъкидлаб ўтилди.

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

# ҲУЖЖАТЛАРДА МИҚДОРНИ АНИҚ КЎРСАТИНГ!

**Товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланувига қарши курашиш борасида божхона органлари томонидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**



Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг «Чуқурсой техник идора» темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан хориждан темир йўл контейнерида кириб келган «мато» товарлари белгиланган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда юк ҳужжатларида товарларнинг қўшимча ўлчов бирликдаги миқдори кўрсатилмаганлиги, шунингдек, ҳужжатларда маълумотлар етарлича қайд этилмаганлиги аниқланди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, тахминий қиймати 2 млрд 370 млн сўмлик 118 525 кв. м товарлар вақтинча сақловга олинди.

Шунингдек, товарларнинг қўшимча ўлчов бирлигига аниқлик киритилиб, 120 млн 234 минг сўм миқдорида қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

Ҳозирда ҳолат юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

*Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.*

✓ СТАТИСТИКА

# САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ЕТАКЧИ

**Маълумки, ҳар қандай давлат иқтисодий тараққиётининг тагзамини, аввалambor, ишлаб чиқаришга асосланади. Бошқа тармоқлар қаторида саноат тармоғи иқтисодиётда ўзининг асосий ва етакчи ўрнига эга.**

Бугунги кунда Тупроққалъа тумани Хоразм вилоятида саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича жадал ривожланиб бораётган ҳудудлардан ҳисобланади. Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг 7 ойида Хоразмда 9 606,7 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса (2021 йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм 115,5 фоизга ўсган), ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 53,5 фоизи айнан шу туман ҳиссасига тўғри келган.

Туманда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичи 90 392,0 минг сўмга тенг бўлган. Бу ерда асосан автотранспорт воситалари, трейлер ва ярим прицеплар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган.

Туманда ҳисобот даврида 148 та (жами саноат корхоналарининг 96,7 фоизи) кичик тадбиркорлик субъектлари саноат соҳасида фаолият юритган бўлса, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 116,9 млрд сўмни, туман ишлаб чиқарадиган саноатидаги улуши эса 2,3% ни ташкил этди.

***Улуғбек МАТЁҚУБОВ,***
*Хоразм вилояти статистика бошқармасининг Саноат статистикаси бўлими бошлиғи.*



СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ ©
Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета
ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Бош муҳаррир МИРФАЁЗОВ Миржалол Журатович

Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб АЛИМОВ Нодир Носирович

Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Мирobod тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
ТЕЛЕФОН/ФАКС Таҳририят: (78) 150-11-72;
E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (78) 147-11-72;
«Norma» АҚТ бўйича – (78) 150-11-72.

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Газета ношир – «TOPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қоғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма г-832. Адади 330. Газета 2022 йил 22 август соат 16.00 да топширилди.